

Фермер хўжаликларида барпо этилган асосий мева ва сабзавот экинлари истиқболли навларининг кўргазмали кўчатзорлари ва уруғлик майдонлари

| № | Фермернинг фамилияси, исми | Вилоят | Туман | Қишлоқ | Экин тури | Навлар ва шаклларнинг номи | Телефон рақами |
|-----|----------------------------|-----------------|-----------|-----------------------|-----------|--|----------------|
| 1. | Арабов Шавкат | Қорақалпоғистон | Тўртқўл | Шўраҳон | Пиёз | Оқ пиёз | +998905903285 |
| | | | | | Сабзи | Сариқ сабзи | |
| 2. | Сатликов Байрамдурди | Қорақалпоғистон | Тўртқўл | Шўраҳон | Олма | Ренет Симиренко, Беш юлдуз, Қанд олма, Голден Делишес | +998906506451 |
| | | | | | Урик | Майский, Нукул, Ирис, Оқ ўрик, Кузги, Шафтолисимон | |
| | | | | | Узум | Тойфи | |
| | | | | | Анор | Қалин пўчоқ | |
| 3. | Қозоқова Бекпошша | Хоразм | Урганч | Юқори боғ | Олма | Ёзги Хазорасп, Қишки Хазорасп, Голден Делишес, Ренет Симиренко | +998905783960 |
| | | | | | Урик | Ёзги ўрик, Хоразм Нукули, Мойли ўрик | |
| | | | | | Узум | Тойфи | |
| 4. | Юсупов Собиржон | Хоразм | Хонқа | Сарапоян | Пиёз | Оқ пиёз | +998914335931 |
| | | | | | Сабзи | Сариқ сабзи | |
| 5. | Бўриев Норхўжа | Сурхондарё | Жаркўрғон | Сурхон | Олма | Ренет Симиренко, Самарқанд эртагиси, Турецкий, Голден Делишес | +998902454830 |
| | | | | | Урик | Майский, Оқ пишар, Ялтироқ, Чилги | |
| 6. | Эргашев Акбар | Сурхондарё | Жаркўрғон | Қора ёғоч | Пиёз | Сибирь, Қоратол | +998919667785 |
| | | | | | Сабзи | Узун Мирзои | |
| 7. | Бойдадаев Ҳабибулло | Наманган | Уйчи | Ёркўрғон | Олма | Қизил олма, Ренет Симиренко, Эшон олма, Наманган қирмизи, Қандил синап | +998942714045 |
| | | | | | Урик | Субхони, Рухи Жуванон, Қандак | |
| 8. | Иулдашов Хандам | Фарғона | Сўх | Чоркўча | Сабзи | Мшак, Мирзои сарик, Шантанэ | +998916811335 |
| 9. | Аҳмадалиев Умаржон | Фарғона | Қува | Мустақиллик шаҳарчаси | Анор | Қизил пўчоқ, Қаям анор, Туятиш | +998916548929 |
| 10. | Каримов Ҳасанбой | Фарғона | Қува | Бузахор | Узум | Тойфи, Хусайни, Каттақўрғон, Андижанский черний | +998902720289 |
| | | | | | Урик | Субхони, Қандак | |
| 11. | Тўхлиев Жўрабой | Фарғона | Олтиариқ | Жўрак | Пиёз | Қоратол, Дайтона, Вахпский | +998916784717 |
| | | | | | Сабзи | Мирзои сарик, Мирзои қизил | |
| 12. | Арипов Сайфиддин | Самарқанд | Самарқанд | Янги ариқ | Олма | Қизил олма, Ренет Симиренко | +998933410381 |
| | | | | | Урик | Қандак, Субхони, Оқ ўрик | |
| 13. | Олимов Ризокул | Самарқанд | Самарқанд | Миронкул | Пиёз | Қоратол, Оқ пиёз | +998937289363 |
| 14. | Усмонходжаев Эркин | Тошкент | Зангиота | Гулистон | Олма | Голден Делишес, Самарқанд тўнғичи, Беш юлдуз, Мантет, Жонақи | +998983052074 |
| | | | | | Урик | Шалах, Юбилейний Навоий, Субхони | |
| | | | | | Узум | Ризамат, Тойфи | |
| 15. | Мўминов Саидакбар | Тошкент | Зангиота | Ғ.Абдуллаев | Сабзи | Мирзои сарик, Мирзои қизил | +998951434280 |

Ўзбекистонда мевачилик, узумчилик ва сабзавотчилик ҳар доим қишлоқ хўжалигининг анъанавий соҳаси бўлиб келган. Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳар хил бўлиб, ҳар бир ҳудуд ўзининг маҳаллий шароитларига мослашган мева, сабзавот ва узум навлар мажмуисига эга. Уруғчилик билан асосан фермерлар шуғулланишади. Улар фермер хўжаликларини ва бошқа истеъмолчиларни сабзавот экинлари уруғи ва мевали экинлар, узумнинг кўчатлари билан таъминлайдилар.

Ўзбекистонда Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликлариди зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида ўтказилган қузатувлар ҳозирги пайтда лойиҳа участкаларида фермерлар мева, узум ва сабзавот экинларининг 135 дан ортиқ навларини кўпайтиришаётганлиги аниқланди. Буларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилмаган. Улар асосан халқ селекционерлари томонидан яратилган маҳаллий навлардан. Уруғчилик билан шуғулланиш анча мураккаб бўлганлиги сабабли мевали ва сабзавот экинлари уруғчилиги бўйича бир қатор муаммолар мавжуд. Лойиҳа фермерларга шу муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашишга қаратилган.

Кўпайтирилаётган навлар тўғрисида фермерлар хабардорлигининг пастлиги, уруғликларни танлаш, уруғларни қуриштириш ва сақлаш бўйича билимларининг етарли бўлмаслиги навларнинг нав ва экинбоплик сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида навларнинг айнишига ва генетик эрозиясига олиб келиши мумкин. Айниқса маҳаллий навлар учун бу жуда хавфли бўлиб, улар асрлар давомида халқ селекционерлари томонидан яратилган ва муҳим хўжалик белгиларга эга. Улар фермер хўжаликлариди, томорқаларда етиштирилмоқда ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарорлигини сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

Шунинг учун бу йўналишда фермерларни қўллаб-қувватлаш нафақат навларнинг навдорлигини сақлашда балки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фермерларни мевали, сабзавот экинлари ва узумнинг хилма-хиллиги тўғрисидаги ва уруғчилик бўйича билимларини кенгайтириш учун тренинглр ва семинарлар ташкил этилиши зарур. Бу фермер хўжаликларидидаги хилма-хилликнинг кўпайишига, экин турлари бўйича навлар мажмуисини бойитишга олиб келади.

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида 15 та мевали ва сабзавот экинларининг кўргазмали кўчатзорлари ва уруғчилик майдонлари ташкил этилган. Бу ерда лойиҳа учун асосий бўлган олма, ўрик, узум, анор, пивёз ва сабзининг маҳаллий, интродукция қилинган ва истиқболли навлари кўпайтирилади.

Мевали экинларнинг кўчатлари, сабзавот экинларининг уруғлари республика фермер хўжаликларига тарқатилади.

Кўргазмали кўчатзорларда ва уруғчилик майдонларида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

- фермерлар учун мевали ва сабзавот экинлари навларини кўпайтириш бўйича тренинглр, семинарлар ва ўқув машғулотларини ўтказиш;
- кўпайтирилаётган навларнинг фарқ қилувчи морфологик белгилари, муҳим хўжалик тавсифлари ва агротехника хусусиятлари билан танишиш;
- фермерларнинг уруғликларни танлаш, сақлаш ва экиш жараёнларида қатнашиш;
- уруғларни тозалаш, танлаш ва сақлаш жараёнлари билан танишиш;
- мевали экинлар кўчатзори, сабзавот экинлари уруғчилиги бўйича анъанавий кўникмалар ва билимлар билан танишиш;
- мевали ва сабзавот экинларининг юқори сифатли кўчатларини ва уруғларини етиштириш услубларини намойиш этиш.



Ушбу буклет



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC

Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликлариди зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани,

Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

Факс: (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Расмларда: юқоридаги – фермер Бойдадаев Ҳабибулланнинг олма, ўрик маҳаллий навлари кўчатзори, Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ёрқўрғон қишлоғи

пастдаги – фермер Мўминов Саидакбарнинг сабзи маҳаллий навлари уруғликлари экилган даласи, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ғ. Абдуллаев қишлоғи.

Тузувчилар: К.И.Байметов, Ш.М.Ахмедов, Е.А.Шредер
М.К.Турдиева ва А.Қ.Қайимов таҳрири остида.

**Академик М.Мирзаев номли
боғдорчилик, узумчилик ва виночилик
илмий-тадқиқот институти**

**Асосий мевали ва сабзавот экинлари
истиқболли навларининг кўргазмали
кўчатзорлари ва уруғлик майдонлари**



Тошкент – 2015